

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

БОЗОР И ЧАҚҚОН БОЛАЛАР

Биласизми, ёз фаслининг болаларга энг маъқул томони бор. Уй вазифасини тайёрлаш, деган масъулият бир неча ой уларни безовта қилмайди. Бу завқли фасл давомида ким соғломлаштириш оромгоҳларида, кимдир қариндош-уруғлариникида, яна кимдир бозорда...

Назар ташласангиз, уйда қолиб дам олаётган болалар вақтларини бўш ўтказмаётдилар. Улар ота-оналарига дала ишларида, уй юмушларида кўмаклашиб, хўжалик ишларини енгилаштиришмоқда. Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида уларнинг кўмаги ота-оналарга жуда қўл келаяпти. Тўғри-да, томорқангизда пишиб етилган сабзавотларни, боғингизда қушлар ҳузурини кўраётган меваларни, онангиз тандирдан узаётган пўрсилдоқ нонларни, ошладан ортиб қолаётган сут-қатиқни бозорда сотишиб, хўжалик даромадига ўз ҳиссангизни қўшсангиз ёмонми? Бу ҳам меҳнат, ҳам кўмак. Шунинг учун куёшда қорайиб, меҳнатга пишиб, ўз маҳсулотини мақтайётган, харидор чақираётган болакайлارни кўриб, "Бозорингиз чаққон бўлсин", дейсиз.

СУРАТЛАРДА: Абдусаттор Шоабдуллаев. Тошкентдаги 41-хунар-техника билим юрти толиби. Акаси Абдуҳакимнинг катта кўмакчиси. Ака-ука етиштиришган помидорлар бозорининг олди маҳсулоти.



Илмира Камолова эса 117-мактабда таълим олади. Сизирни соғишни у онаси Ҳамида онадан ўрганган. Иккалови уйитган қатиқ, қаймоқларнинг ўз харидорлари бор.

Санобар Ҳусанованинг онаси эса новвой. Тандирдан чиқаётган пўрсилдоқ нонларни Санобар дугонаси Зухра Назарова билан сотишмоқда.

Моҳира Гафуржонова бу йил иккинчи синфни аълога тамомлаб, учинчи синфга ўтди. У "бозор ҳавоси"ни бу йил татиб кўрди. Чугурчуқлар ҳузурини кўраётган ўрикларга ачиниб, бувиси "Териб, ҳеч бўлмаса бозорга чиқариш керак", деганди. Моҳира бу ишга бош қўшди. Зарари бўлмади. Ҳозиргача йиғилган пул янги ўқув йили учун керак бўладиган харажатларга етади.



Р. АЛИБЕКОВ суратга туширган.



«БЕКОРДАН

Ўқув йили охирида Фаргона шаҳар Болалар ва Ўсмирлар ижодкорлик марказининг ходимлари Узларидаги катта-катта маҳалла ва турар-жой мавзеларига «Юриш» килдилар. Чунки

соғломлаштириш оромгоҳларининг илгаригидек болалар билан гавжум бўлмаслиги таътил олдида маълум бўлди. Демак, уларнинг жуда кўплари уйда — вақтинча бекор ўтказишади. Шундан хавотирланишга ўрин бор. «Юриш»дан мақсад ҳам шу эди — болаларни марказдаги тўғарақларга жалб этиш. Ахир бу ерда оз эмас-кўп эмас 42 та тўғарақ фаолият кўрсатади-да. Болалар уларнинг бирига қатнашишса ҳам қанча хунар ўрганишади?!

— Кўзланган мақсад амалга ошди, — дейди ижодкорлик маркази директори Мирзамаҳмуд ака Аҳмадалиев. —

«Компьютер клуби», «Би-чиш-тикиш», «Тилам тўқиш», «Ёш рассомлар», «Наққошлик», «Дуторчи кизлар» каби ўнлаб тўғарақларимизда 1400 дан зиёд болалар хунар ўрганишмоқда. Г. Солиҳова, Нурия

ҲАММА БЕЗОР»

опа Усмонова каби тўғарақ раҳбарлари меҳнатларини аямай, болаларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтишига кўмаклашишяпти.

«Бекордан, ҳамма безор» деганлари рост. Марказ аъзолари эса янги ўқув йилигача кўпгина янги хунар сирларини ўрганиб олишади.

Нигора МИРЗАМАТОВА,
Фаргона шаҳри.



МАРОҚЛИ ДАМ

Оромгоҳларга йўлланмалар нархининг ошганлигини эшитиб, «Ёш алангачи»нинг директори Искандар ака Йўлдошев бироз ташвишланди: «Болалар келишармикин?». Шундай бўлса-да, баҳор ойларида оромгоҳни таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Оталик ташкилот ажратган 25 миллион сўмга яраша иш қилиниб, болалар кутиб олинди.

— Биз кўзлагандан ҳам зиёд болалар мириқиб дам олишяпти, — дейди Искандар ака. — Аввалги мавсумда ҳам, бу сафар ҳам 300 га яқин болалар ўнга отрядларга бўлиниб, хордик чиқаришмоқда.

Болалар билан суҳбатлашсангиз улар ҳам яхши дам олишаётгани ҳақида гапиршади. Чунки, етакчи ва тарбиячилар билан биргаликда

режалаштирилган ва ўтказилган «Кувнок стартлар», «Кувнок экспресс», «Билимдонлар ва тоғқирлар клуби», «Хазина» операцияси, «Нептун куни» уларда жуда катта таассурот қолдирган эди. Бундай тадбирлардан ташқари чўмилиш ҳавзаси, спорт зали, томошагоҳ уларнинг яхши хордик чиқаришларига сабаб бўлмоқда. Дам олувчилар ҳар куни турли жойларга: Китоб Халқаро Кенглик станциясига, Шаҳрисабзнинг тарихий жойларига саёхат ва экскурсияларга чиқиб туришибди. «Шўрган» газ бошқармасига қарашли бу оромгоҳнинг қулай томони шундаки, ёзги таътил тугагач газчиларнинг фарзандлари ўқув йили давомидаги таътилларида ҳам ота-оналари билан биргаликда «Ёш алангачи»да дам олишлари мумкин.

Ҳикмат САМАДОВ,
Қашиқдарё вилояти, Китоб тумани.



Она жоним — жон, жаҳоним

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан бу йил "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилди. Ушбу орденга эса ёш авлоднинг соғлом, баркамол ўсиши ва вояга етиши учун хизмат кўрсатган, фаолият юритаётган кишиларгина сазовор бўладилар. Аслини олганда бундай вазифани биринчи ўринда ҳар бирингизнинг онангиз, мунис ва меҳрибон волидангиз бажаради. Шунинг ҳам билан олган ҳолда иқтисод фанлари номзоди Турсуной опа Исоқова оналарингизни қай даражада билишингизни, уларнинг фазилатларига эътибор беришингизни билиб олиш мақсадида ушбу сўровномани ишлаб чиқибди. Унга жавоб бериб кўринг. Бу орқали сиз ҳам ўзингизни синаб кўрасиз ҳамда мустақил Ўзбекистонимиз бешигини тебратаетган оналаримиз ҳаётига оид

муҳим ўзгаришлар яшашга кўмаклашасиз, деб ўйлаймиз.

Жавобларингизни бизга езиб юборасиз деган умиддамиз.
 1. **ЎЗИНГИЗНИ ТАНИШТИРИНГ:**
 Иسمى-шарифингиз
 Ешингиз
 Мактабингиз ва ўқиётган синфингиз
 Яшаётган манзилингиз
 2. **ОНАНГИЗ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИНГ:**
 Иسمى-шарифи
 Еши
 Маълумоти
 Касби
 Ишласа, иш жойи ва вазифаси
 Уй бекасими?
 3. **МАКТАБНИ БИТИРИБ ҚАНДАЙ МЕҲНАТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНМОҚЧИСИЗ?**
 Ақлий меҳнат билан, жисмоний меҳнат билан, жавоб беришга қийналаман.
 4. **МАКТАБДАН СЎНГ ҚАЕРДА ЎҚИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚЧИСИЗ?**
 Марказий шаҳарларда, вилоят марказида, туман марказида,

шу ерда шогирдликка қоламан.
 5. **ЎЗИНГИЗ ЕКТИРГАН КАСБ-ХУНАРНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН ШУ КУНЛАРДА НИМАЛАР ҚИЛАЯСИЗ?**
 Барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиялман, хунардонларга шогирдликка бораёяман, жавоб беришга қийналаман.
 6. **БУШ ВАҚТЛАРИНГИЗДА НИМАЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНАСИЗ?**
 Телевизор кўраман, ўзим ёқтирган хунари билан шуғулланаман, бадиий адабиёт ўқийман, ўртоқларим билан ўйнайман.
 7. **У ЕКИ БУ КАСБГА ҚИЗИҚИБ ҚОЛИШИНГИЗГА КИМ ЕКИ НИМА САБАБ БУЛДИ?**
 Ота-онамнинг шу касбда бўлганлиги, маоши кўплиги, яшаш жойимизга яқин бўлганлиги, мактабдан берилган йўлланма, жавоб беришга қийналаман.
 8. **ЎЗ ОНА ТИЛИМИЗДАН ТАШҚАРИ ЯНА ҚАНДАЙ ТИЛЛАРНИ УРГАНАЯСИЗ?**
 Инглиз тили, немис тили, француз тили, испан тили, ҳинд тили, хитой тили, рус тили, араб тили (еки бошқа бир тилни).
 9. **ДИНГА БУЛГАН ЭЪТИҚОДИНГИЗ ҚАНДАЙ?**
 Динга ишонаман ва қатъий амал қиламан, ишонаман, лекин амал қилмайман, бу ҳақда ўйлаб кўрганим йўқ, жавоб беришга қийналаман.
 10. **ОИЛАНГИЗДА ФАРЗАНДЛАР СОНИ ҚАНЧА?**
 11. **СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗЧА ОИЛАДА НЕЧТА ФАРЗАНД БУЛГАН МАЪКУЛ?**

(2 нафар, 4 нафар, 5-6 нафар, қанча кўп бўлса шунча яхши, шароитга қараб)
 12. **ОНАНГИЗНИНГ КАСБИ ҲАҚИДА НИМА ДЕЙСИЗ?**
 Онамнинг касби менга ёқади, онам хизматчи бўлишни хоҳлар эдим, онамнинг касби яхшию, лекин кўпроқ уйда биз билан бўлишни истардим.
 онамнинг касбидан фахрланаман, жавоб беришга қийналаман.
 13. **ОТА-ОНАНГИЗ БИЛАН ХАЙВОНОТ БОҒИ, КИНО, ТЕАТР, УЗОҚ-ЯҚИН ЖОЙЛАРГА САЁХАТГА БОРАСИЗМИ?**
 Ха, йўқ, йилда бир марта, ойда бир марта, хар ҳафтада бир марта.
 14. **МАКТАБДАГИ ТАЪЛИМ МУДДАТИГА МУНОСАБАТИНГИЗ?**
 11 йиллик мажбурий таълим маъқул эди, 9 йиллик мажбурий таълим яхши бўлди, саводхон бўлгандан кейин хунари ўрганган маъқул,
 илмга қараб табақалаб ўқитган маъқул.
 15. **ДАРС ТАЙЁРЛАШИНГИЗГА ОНАНГИЗНИНГ МУНОСАБАТИ ҚАНДАЙ?**
 Дарс тайёрлашимга онам шароит яратиб беради, дарс тайёрлашга мунтазам ёрдам беради, вақти-вақти билан назорат қилиб туради, ўқимшни кузатгани онамнинг вақти бўлмайди, менинг дарсларимни бажаришга онамнинг кучи етмайди, онамнинг умуман иши йўқ.
 Азиз болалар! Бизга езиб юборадиган жавобларингиз учун олдиндан ташаккур билдирамиз. (Агар жавобларимни биров билмасин, десангиз номингизни сир туттишга ваъда берамиз).
 Келажагингиз порлоқ бўлсин!




Рақсга тушасанми?
 Р. Альбеков туширган сурат.

ТЕЛЕВИЗОР КЎРИБ СЕМИРИШАДИ

Теннесси штати университетига мансуб тадқиқотчилар америкалик ёш болалар орасида семизлар сони кўпайиб бораётганлигини айтишмоқда. Улар берган маълумотларга қараганда, Америкадаги ёш болаларнинг 25 фоизи вазни ҳаддан ташқари оғирдир. Олимлар семиз болалар сонининг кўпайишига телевидениени сабаб қилиб кўрсатмоқдалар. Бу ҳақда Америкада чиқадиган ойлик тиббий журнали маълумот берди.
 Унда айтилишича, олимлар 15 нафар жуда юқори вазни ва 16 нафар нормал вазни ёш болалар устида кузатув ўтказганлар. Улар 8-12 ёшлар орасида бўлган. Болалар телевидение дастурини томоша қилаётган пайтларида метаболизмдаги ўзгаришлар кузатилган. Бунда вужуд қанча куч-қувват сарфлаганлиги аниқланган. Одатда оз куч-қувват сарфлаган кишилар умуман оғир вазни бўладилар.
 Тадқиқотлар натижасига қараганда, ёш болалар телевизор томоша қилган вақтларида ҳатто, уйкудаги ҳолидан ҳам камроқ куч сарфлашади. Олимларнинг айтишларича, америкалик ёш болаларнинг кўплари телевизор томоша қилаётган

вақтларида ёглик нарсалар истеъмол қилишади. Олдинроқ олиб борилган кузатувларга кўра, 6-11 ёшдаги америкалик болалар ҳафтада тахминан 26 соатлаб телевизор олдида ўтиришлари маълум бўлган. Сўнгги 15 йил ичида вазни оғир болалар сони 98 фоизга кўпайган.

«Садо» халқаро-экспресс ахборотидан.



(Давоми. Боши ўтган сонларда).
 Унда Оврупонинг машҳур рицарлари, ёлланма отликлари кўпчиликини ташкил қилган. Касби-кори уруш бўлган бу рицарлар бой ўлжа илинжида ёввойи саҳройи жангчиларга калондимог назар ташлаб туришар эди.
 Темур жанг бошлашга имо қилиб, ўзи чодирга кириб кетди. Дарвеш кўшни сафидан чиқиб Темур номидан лашкарни жангга чорлади.
 — Ғозийлар,— деди дарвеш, — шунинг билинги, мунажжимлар осмонда қонли юлдуз ёғдусида. Оллоҳнинг шамшири Темурбек исми-шарифларини кўришди. Зафар сизларга йўлдош! Олга ғозийлар!
 Филлар оғир қадамлар ташлаб турклар тарафга юра бошлади. Тўфанглар гум-бирлади.
 Темур чодирда гўё ҳеч нарса сезмагандай шатранж ўйнай бошлади.
 — Қани, юриш сендан, Азиз!
 Амир Азизиддин ҳам ўйинга берилиб, жанг суронларини сезмасди. У шунинг яхши билардики, Боязид сафидаги лашкарбошиларнинг энг зўрлари Темурга сотилган. Ҳинд ўлжасидаги жавохирлар энди ўз кўчини кўрсатади.
 Чиндан ҳам шундай бўлди. Жанг айни қизиган маҳалда Темурнинг асосий кўшини орқага чекина бошлаб, пистирмага душманини яқинлаштирди.
 Боязид лашкарларидаги рицарлар аввалдан тайёрланган тузоққа тушдилар. Ана шунда турк кўшинининг бир қисми Темур тарафига қочиб ўтди.
 Боязид гвардияси — сараланган рицарлар, серблардан иборат зарбдор куч кўмондони Стефан Лазарь тажрибали

саркарда кўз билан Темур лашкари устунлигини, ҳарбий тактика жиҳатидан гоят кўли баланглигини сезди.
 Стефан гарчанд бир қисм кўшини хиёнат қилмаса ҳам Осиё лашкари обдон пухта тараддуд кўргани, саркардалари маҳорати туфайли барибир голиб бўлиши муқарарлигига тан берди. У бу жангга Оврупо ҳарбий санъати Темур санъати олдида ожизлигини ҳам ҳис этди. У "Етиб қолгунча отиб қол", қабилда иш тутиб, сербларни ҳужумга ундади. Қайнотасини ҳимоя қилиш учун жон-жаҳди билан жанг қилди. Боязид кўшини иккига ажраб, тумтарақай чекина бошлади. Султоннинг атрофида атғи ўн минг кишилик янчарларгина қолди, холос.
 Боязид отдан йиқилиб тушди. Уни безгак касали ўз хуружига олди...
 Чодирда эса Темур шатранж ўйини билан овора эди.
 — Шох, — деди у тантана билан Азизга, — сен мотсан, дўстим!
 Шу вақт чодирга Султон Маҳмудхон кириб келди. Бутун давлат ҳукмдори — Мовароуннахр хони бўлмиш Чингиз авлоди Темурнинг олдига бўйнига арқон тушган Султон Боязидни олиб кирди.
 — Қабул қил совгамни, Темурбек!

Яшиндек тез ва шиддаткор Боязид кўзларини ерга тикди.
 — Оллоҳнинг иродаси шундай экан, султон, — деди Темур, — бунинг қарангки, парвардигори олам ярим дунёни мен, оқсоққа, қолганини эса сенга инъом этган эди. Аммо иккимиз ҳам Қодир расул олдида қандай аянчли ва ожиз бандамиз!
 Оврупо рицарларининг кушандаси, қирол ва императорларни даҳшатга солиб неча-неча донгдор ҳукмдорлар бўйнига итоат халқасини осган яшиндек тез ва шиддаткор, музаффар Султон Боязид Темурбек олдида бош эгиб турарди.
ЎГИЛ БУЛГАН ҚИРОЛ
 "Темур Самарқанддаги аҳволни бутунлай ўзгартириб юборди. У Самарқандда Кўксарой, Бибиҳоним масжидини, Шохизинда мақбарасини, Самарқанд атрофида Боги Чинор, Боги Шамол, Боги Дилқушо, Боги Бехишт, Боги нав каби бог ва саройларни қурдирди. Йўллар қуриб, Қўхак — Зарафшон дарёлари орқали кўприклар солдирди, шунингдек, кейинчалик Амударё ва Сирдарёга кўприк қурилди.
 Тўшкент атрофида каналлар, жумладан, Сирдарёдан Оҳангаронга ҳам канал ўтказилди. Шаҳар типиди

Оҳангарон кишлоғи қурилди. Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Туркистонда қарвон саройлари ва бошқа қурилишлар билан бирга сув иншоотлари қад кўтарди. Шаҳарлар, кишлоқлар, ҳаммомлар, мадрасалар, мақбаралар қурилиши олиб борилади. Қурилишга маҳаллий меъморлар — усталар, сохиби хунардонлардан ташқари Темур забт этган ўзга мамлакатларнинг кўплаб қурувчилари, меъморлари жалб этилди".
Академик И. МҶМИНОВ.
 Узоқ турклар ўлкасидан элчиликнинг қайтгани ҳақидаги хабарлар бутун Мадридни ҳаяжонга солди. Герцоглардан тортиб граф, барон, марқизларгача барча зодагонлар уйларидаги суҳбат мавзуси ҳам ўша бир йил муқаддам қирол томонидан олис турклар элига, машҳур Султон Боязид ҳузурига юборилган элчилик ҳақида эди. У қандай хабарлар келтирди?
 Ҳаммага ана шуниси қизиқ эди. Костилия ва Леон қироли Генрих III Дон Энрико ҳам ошиғич равишда барча ишлару-маросимларни йиғиштириб элчини қабул қилди. Ўз саройидан бўлак жойни кўрмаган, ҳали ҳеч қандай жанг-жадалларда шамшири синмаган қиролнинг бутун вужуди қулоққа айланган. Эндигина 24 баҳорни қаршилаётган ёш ҳукмдор бутун Оврупони даҳшатга солган яшиндек тез ва шиддаткор Елдирым Боязиднинг ҳалокати ҳақида эшитган, шунинг учун ҳам Боязид қароргоҳида туриб, Анқара жангини ўз кўзи билан кўрган элчисининг ҳимоясига муштоқ эди.
 (Давоми бор).



ТАРИХИЙ ЛАВҲАЛАР

ДИНОЗАВРЛАР — БИЗНИНГ ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ОДАМЗОТГА НЕЧА ЙИЛ БЎЛГАН?

Замонавий тадқиқотшунослар бошининг узунлиги 1 метрдан ортиқроқ, жагининг катталиги 20 сантиметрли тишлар билан қопланган денгиз калтакесаги — плезиозаврни ўтмишнинг даҳшатли маҳлуқларидан деб ҳисоблашган. Унинг узунлиги 6 метргача етган. 3 қаватли уйнинг узунлигига баробар бўлган стегозавр ҳам важоҳатда ундан қолишмаган. Агар Вавилондаги қазилмалар натижасида плезиозавр ва стегозаврларга ўхшаш маҳлуқларнинг қолдиқлари топилмаганда, миллион йиллар аввал бундай ҳайвонларнинг яшаб ўтганлигига ҳеч ким ишонмаслиги ҳам мумкин эди.

Бу каби мисолларни жуда кўплаб келтирса бўлади. Уларни кўриб, бу сирли ҳайвонларнинг ташқи кўринишларида ҳайратланарли даражада ўхшашликлар борлигини кузатиш мумкин.

Жанубий Африканинг Ика шаҳри яқинида суратлар ўйиб ишланган жуда кўп миқдорда қора тошлар топилган. Уларнинг кўпчилигида мезазой даврига хос бўлган улкан бронтозаврлар тасвирланган бўлиб, уларнинг елкаларида овчилар ўтириб олишгани акс эттирилган. Бу суратларнинг ишланганига бир неча миллион йиллар бўлгани аниқ.

Бизларга бирмунча “замонавий” бўлиб ҳисобланган динозаврлар ҳақида ҳам тўхталайлик. Улар бизга яқинроқ бўлган тарихий даврларда яшаб ўтган рассомлар ва афсона айтувчиларни руҳлантириб келишган. Манбаларда ёзилишича: “Қонхўр ҳайвон — тимсоҳ Волхова дарёсига ётиб олиб, унга бўйсунмаганларни гажиб ташлар, улоқтирар ва дарёга фарқ қилар эди...” Россия учун хос бўлмаган ҳайвон — тимсоҳ ҳақидаги фикрлар диққатимизни жалб қилади.

Ёкутистонда ҳали-ҳануз тирик реликт билан бўлган учрашувлар ҳақидаги ҳикоялар сақланиб келмоқда. Масалан, Янск районидagi Хайир кўлидан қирғоққа ўрмалаб чиққан номаълум маҳлуқни кўришган. Унинг териси кўкмиртир қора рангда бўлган, бўйни узун, боши эса унчалик катта бўлмаган. Ташқи кўринишидан қадимий плезиозаврга ўхшаш бўлган. Шу ернинг ўзида геолог В. А. Твердохлебов узунлиги 10 метрча келадиган, қорамтир рангдаги, оғизлари жуда катта, гавда тузилиши худди бочкасимон маҳлуқни кузатган. Унинг кўзлари ораллигидаги масофа 2 метрни ташкил қилган. Қўшни Мабинкир кўлида ҳам кўпчиликнинг гувоҳлик беришича, қандайдир сирли жонивор яшар экан.

Ҳажми ва ташқи кўриниши жиҳатидан бир-бирларини

такрорлайдиган бундай жонзотлар Канада ва Африканинг ҳам бир неча кўлларида, шунингдек, Нил дарёсининг юқори қисмида, океан кенгликларидида кўплаб учраб турган.

Буюк Британия, Шотланд қироллигининг Инвернесдаги машҳур Лох-Несс кўлида яшовчи қадимий плезиозаврга ўхшаш маҳлуқнинг яшаган даври 565 йилларга мос келади. Худди шу районда яна икки кўл мавжуд: Лох-Морар кўлида 1887 йилда боши илонсимон ва умумий узунлиги 13 метрдан ортиқроқ бўлган маҳлуқ яшаган ҳамда шундай мавжудотлар ҳақидаги сир-синаотларни ўз қаърида сақлаб ётган чуқур сувли Лох-Шин кўли бўлган.

Теле кўлида (Африка, Конго республикасида) яқинда айна пайтда яшаб келадиган бронтозаврларга ўхшаш кетадиган улкан калтакесакни суратга туширишган.

Қадим замонларданоқ Африканинг жуда кўплаб халқлари орасида ўтиш мушкул бўлган ботқоқликларда яшайдиган тимсоҳсимон йиртқич, улкан сирли маҳлуқлар — чипеквелар билан бўлган учрашувлар ҳақидаги ҳикоялар юради. Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, бу бор ҳақиқатдир. Бундай маҳлуқлар яшайдиган жойларда уларнинг энг севимли таоми бўлмиш бегимотларнинг йўқлиги ҳам бу тахминларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Машҳур овчи Жордан ўзининг “Филлар ва фил суяги” номли китобида ҳам худди ана шу чипеквелар билан бўлган учрашувлар ҳақида ҳикоя қилади. Унда ёзилишича, филларга отиш учун мўлжалланган милтиқдан отилган ўқ чипеквега айтарли зарар етказмаган чоғи, у яширинишга улгурган.

Бу жониворларнинг склет тузилишини ўрганиш жараёнида олимлар шундай хулосага келишдики, улар аллақачонлар йўқ бўлиб кетган улкан ленивцларга мансуб экан. Бу жонзотнинг терисини топган ҳиндулар Кювбега унда қотиб қолган гўшт парчалари ҳамда қон изларини кўрсатишган.

МЭН ШТАТИДАГИ МАҲЛУҚ

60-йилларда “Комсомольская правда” газетасида шу номли хабар эълон қилинган. Бу маҳлуқ 1868 йил 3 август куни Испорт шаҳрининг районларидан бирида, қирғоқ яқинидаги қуруқликда кўлга туширилган. Одамлар бу улкан маҳлуққа қарши ўт очганлар. У 70 жойидан яраланганидан ерга ағанаган.

Маҳлуқнинг узунлиги 9 метр бўлган. Унинг худди балиқлар каби битта орқа томонида ва икки ёнда катта сузиш учун мослашган қанотлари бўлган. Жониворнинг гавдаси жуда

баҳайбат бўлиб, худди акуланинг думига ўхшаш кенг дум билан тугаган. Бундан ташқари бу жониворнинг бир жуфт жуда катта панжали оёғи бўлган. 2 метр келадиган жағлари жуда кўплаб майда тишлар билан қопланган. Гигант гавдасининг оғирлиги 11 тоннага етган. Тим кулранг тусдаги дағал териси худди филнинг терисини эслатади. АҚШ олимлари МЭН штатидан топилган бу маҳлуқ 100 миллион йиллар аввал ўлиб кетган геозаврларни эслатишини таъкидлашган. Бошқа манбаларга қаралганда, бу жониворлар 80 миллион йил аввал яшаган мезозаврларга ҳам ўхшашлиги маълум бўлади.

Американинг Техас штатидаги Пэ-лэкси дарёси соҳилида денозаврларнинг тошга айланган излари сақланиб қолган. Унинг ёнида эса қандайдир одамсифат мавжудотнинг ҳам излари сақлангани маълум. Бу оёқ изларининг жойлашувидан овчи динозаврни измаиз қувиб борган, деб тахмин қилиш мумкин.

Америкалик тадқиқотчи К.Н. Догерти “Улканлар яйлови” деб номланган жойда юзлаб турли динозаврларнинг панжа излари сақланиб қолганлиги ва ҳар доим улар орасида “одамзот”нинг оёқ излари ҳам бўлганлигини исботлайди.

ОЁҚ ИЗЛАРИГА — 250 МИЛЛИОН ЙИЛ БЎЛГАН

1931 йилда америкалик геолог У. Г. Бурру ернинг қуйи қатламларидан жуда кўплаб “одамзот”нинг оёқ излари топилганлиги, бу изларга эса 250 миллион йил бўлганлиги ҳақида фикр билдиради. Уларнинг узунлиги 24, кенглиги эса 10 сантиметр бўлган. Яна бир америкалик геолог Дж. Мейстернинг топилмаси эса бундан ҳам қизиқарлироқ бўлган, десак хато бўлмайди. 1968 йилнинг 3 июнида Антилопс-Спрингс районида қоялардан узилиб тушган каттакон тош бўлагидида жуда қадимда яшаб ўтган оёқ кийим кийиб юривчи одам излари топилган. Учи учли бўлган бу оёқ кийимининг кенглиги 32,5x11,27 см, пошнасининг кенглиги 7,4 сантиметр бўлган. Пошналарнинг ерга чуқур кирганлиги эса гавданинг оғирлигидан далолатдир.

ДИНОЗАВРЛАР НИМА САБАБДАН ЙЎҚ БЎЛИБ КЕТИШГАН?

Ҳозирги даврда динозаврларнинг оний йўқ бўлиб кетиши, геологик нуқтаи назардан қараганда, уларнинг ҳаёт “сахнаси”дан тезлик билан йўқ бўлиб қолиши сабабини изоҳлашга қаратилган жуда кўплаб манбалар, тахминлар мавжуд. Бу манбаларда ёзилишича, бизнинг сайёраимизга

бошқа бир қандайдир йирик осмон жисми (метеорит, комета) жуда катта тезлик билан урилиши натижасида жуда кўп миқдордаги тупроқнинг атмосферага кўтарилиши, атмосферанинг тезлик билан қоронгулашиб ва музлаб кетиши динозаврларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган.


Бошқа бир гуруҳ олимларнинг фикрича, динозаврларнинг қирилиб кетиши сайёрадаги радиоактивликнинг ошиб кетиши натижасидир.

Ваҳоланки, бу маҳлуқларнинг ўлими сунъий сабаблар билан боғлиқ, деб ҳам тахмин қилиш мумкин. Бизнинг фикримизча, уларнинг йўқ бўлиб кетишига “одамзот омили” сабаб бўлган, десак ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Сунъий йўқ қилишларнинг ишончли далилларидан бири АҚШда, Хитойда, Монголияда ва Россияда динозаврлар суякларини йиғиш оммавий тус олганлигидир.

Маълум бўлишича, бу тахминларга мантиқан асос бор экан. Гап шундаки, АҚШ, Ҳиндистон ва Россиядаги динозаврлар “қабристон”дан топилган суяклар таркиби радиоактив изотопларнинг кўплиги билан ҳозирги замон ҳайвонлари суяги таркибидан фарқ қилар экан. Бундай хулосага келишга 1959-60 йилларда Гоби саҳроларида олиб борилган Совет-Хитой экспедицияси хулосалари асос бўла олади: қумликлардаги тўғри қатор бўлиб, бир-бирларидан бир хил узоқликда жойлашган панжа излари кузатилган. Бу манзара эса уларнинг қирилиб кетишига биологик жисм сабаб бўлган, деган тахминни рад этади. Ким ҳам бундай из қолдириши мумкин?

Шу ўринда яна бир савол туғилади: бу нарса нимага керак бўлган? Шу хусусда исталганча тахмин қилиш, мулоҳаза юритиш мумкин. Афсуски, ҳеч қандай далиллар мавжуд эмас. Шунга қарамай динозаврларни йўқ қилишга бир-бирларини тўлдириб турувчи икки сабаб туртки бўлган, деган хулосага келиш мумкин: биринчидан “гастрономик” ва хўжалик, иккинчидан — экологик. Маълумки, динозаврлар ўша даврда энг кўп тарқалган мавжудот бўлиб, ҳайвонот оламининг тўғридан-тўғри подшоси ҳисобланган. Айнан мана шу подшолик майда жонзотларнинг кенг тарқалган ҳайвонот олами сифатида ривожланишига ҳалақат беради. Шунингдек, планетадаги ҳаёт эволюциясининг ривожига ҳам. Онгли одамсифат мавжудотларнинг аралашуви асосий сабаб ҳам айнан эволюцион тараққиётга ёрдам бериш бўлган бўлса, ажаб эмас. Лекин барибир кимлардир яшаб қолган.

“МИРАЖИ ДАЙДЖЕСТ” ҳафтаномасидан.



ИШБИЛАРМОН ҲАККА

Ёнғоқ тишлаган ҳаққа,
Думини қилиб тикка.
Ёнғоғини ташлади.
Қанотини қашлади.
Машина ўтиб шу он,
Ёнғоқни чақди обдон.
Атрофида ҳақкахон
Ўзини қилди меҳмон.

Жамолiddин Усмонов,
Наманган вилояти, Норин
туманидаги 30-мактаб.

АРМОНЛИ БАҲОР

Деразадан маъюс қирларга
боқиб,
Баҳорнинг ўткинчи кунин
санайман.
Ўйлаиб ўтириб сукутга чўмиб,
Не армон ила мен бахтим
излайман.
Минг армонла кўз ёшин тўкиб,
Бошим олиб кетгим келади.
Поёнсиз дала, тоғлар бағрига
Бағриқон қизғалдоқ бўлгим
келади.
Ҳар баҳор шундайин тоғлар
бағрини —
Қоплайди қизғалдоқ алвонли
лола.

Лолалар ичинда маъюс бош эгиб,
Туради армонли бир қиз Камола.
Камола ЭШОВА,
Навоий вилояти, Навбаҳор
туманидаги 5-мактаб.

ДЎХТИРНИНГ ЖАВОБИ

Бемор дўхтир олди,
Шошилганча қиради.

Шифокорга кўққисдан
Соғлигидан нолади:
— Биласизми, дўхтиржон,
Аҳволим жуда ёмон.
Хаёлимда миямни
Кемиради кўр сичқон.
Дўхтир ўйлаиб деди:
— Катта мушук тутасиз
Сўнг уни икки ямлаб
Бутунлайин ютасиз.

Зилола ХУДОЙҚУЛОВА,
Бухоро шаҳридаги 23-мактаб
ўқувчиси.

ОНА

Онажоним-меҳрибоним
Сиз ҳаётим қувончим.
Сиз борсизки бу дунёда,
Мусаффордир осмоним.
Сизни кўрсам, онажоним
Қувонч келар дилимга
Оташ юрак бу олов қалб
Қалам тутар қўлимга.
Она деган бу сўз ахир
Асли Ватан эмасми?
Тўмарису Нодиралар
Буюк онам эмасми?
Шунинг-чун, онажоним
Сизни жондан севаман.
Сиз борсизки бу ҳаётни
Куйлаб, сўюб ўтаман.

Ирода ҒОЙНАЗАРОВА,
Наманган вилояти, Поп
туманидаги 1-мактаб.

Бугун —

қучоғимда ой йиғлади хун,
Кўзларин чайқади бечора
булбул.

Мен-ла ботиб кетган
нимжонгина тун
Ўзини эзғилаб ташлади
дилхун.

Эрта —

толқон қилиб эзаман юлдуз,
Оққушлар оқлигини ютавераман.
Алла айта бошлар чилвиртус
кундуз.

Лек ойни қўйвормай
ботавераман.

Индин —

мен чилла сиймидан сўрасам
баҳор,
Саратон кўзидан тўқилди дўла.
Қайс кезган чўллардан симириб
анҳор,
Ўларман мен йиғлаб (О-о-о) кула-
кула...

Неъматжон ТУРДИ,
Наманган вилояти, Чортоқ
туманидаги 4-мактаб.

АССАЛОМ

Бу оламда гўзал сўзлар кўп,
Лек гўзали саломдир фақат.
Салом одоб, кўзгу туйғуси
Алик олса билдирар ҳурмат.
Ассаломдан бошланади тонг,
Ассаломдан бошланар сўзлар.
Ассаломдир туйғуларга кон.
Ассаломдир энг ширин калом.

ЕТИМЛИК

Гир айланаётган шу заминнинг
Қоқ ўртасидан бир нола
келади —
Она!
Ўксима, жигарим, етимиш икки
томирингдан ураётган қонингга
етиши икки хонадон меҳри устун!

Сабоҳат БЎРОНОВА,
Тошкент вилояти, Қибрай тумани.



— Қ а й с и
бири ёқди?

Р. Альбеков
туширган сурат.

Суюкли қизимиз ЖАМИЛАХОН!

Сени туғилган кунинг билан
самимий қутлаймиз. Сенга узоқ умр,
сиҳат-саломатлик, ўқишларингга
улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Гулгун юзингдан табассум
аримасин.

АСҚАРОВлар онласи.
Фарғона вилояти, Яйпан шаҳри.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳаммаси тўсатдан бошланди.
Ўқишимиз тушдан кейин бўлганлиги
сабабли уч-тўрт бола қўшилиши
қўйларни адирда боқиб юрардик.
Бирдан қуёш юзини қора булут қоплаб,
кучли шамол эса бошлади.

Биз қўйларни паст томонга ҳайдаб,
тезроқ сойнинг у қирғоғига — уйимизга
етиб олишга шошилдик. Кучли
момақалдироқ гумбирлади, унинг акс-
садоси адирдан янада ваҳимали эши-
тилди. Кўз очиб-юмгунча ёмғир
бошлади. Бир оздан сўнг ёмғир жалага
айланди. Жалага қарши юришга
қийналаётган қўйлар жунжикиб бир-
бирининг пинжигига тиқилишди.

Уст-бошимиз ёмғирда ивиди. Нима
бўлса ҳам қўйларни эртарақ уйга
етказишга шошилдик. Биз ҳар кун
чўмиладиган яланг оёқ сув кечиб, у
қирғоғидан — бу қирғоғига бемалол
ўтаверадиган сой ёнига келиб тўхтаб
қолдик. Не кўз билан кўрмайликки,
сойда бўтана сув пишқириб оқар,
ваҳимали овоз чиқариб борган сайин
қутуриб борарди. Тезда адир оралиғи
сувга тўлди. Биз энди қўйларни пастга
ҳайдашдан кўра, селдан сақлаб
қолишнинг ташвишини ўйлардик.
Қўйлар маърашар, совуқда увиша
бошлаган қўзилар эса онасининг пин-
жидан нари кетмасди. Шу пайт

қўйлардан бири ўзини сувга отди. Энди
бизларнинг уринишларимиз беҳуда
эди, чунки битта қўй сувга тушди,
ҳаммаси унга эргашиши табиий. Ўзини
сувга ташлаётган қўй-қўзилардан бир-
иккитаси тасодиф туфайли қирғоқнинг
у томонига чиқиб олди.

Мен қўйлар орасидан ўзимизнинг
Қоракўз деб ном қўйган олачипор
қўзичоғимни ахтардим. Ана, унинг
боши кўринди. Қутурган сел уни
қирғоққа урди. Боши
гангиб карахт бўлиб
қолган Қоракўз сувга

Абдусаттор СОДИҚОВ

СЕЛ**Ҳикоя**

шўнғиб кетди.

Шу пайт кимнингдир “болам сувда
қолди” деган овози эшитилди. Мендан
бир неча қадам нарида қўшнимиз
Ўғилой опа бақирганча йиғларди.
Афтидан у ҳам селда қолишдан олдин
бузоғини арқонлаш учун бу қирғоққа
ўтгану орқага қайтишга улгурмаган.
Ўғилой опанинг уйи адирнинг кун
ботиш томонида жойлашган.
Айвончадаги бешикда қўшнимизнинг
ўғилчаси қўлларини силкитиб ўйнаб
ётарди.

Ўғилой опа нима қиларини билмай
ўзини селга урмоқчи бўлар, аммо бир
зумда йиғилган қишлоқ аёллари,
оқсоқоллари унинг бундай қилишига
изм бермасди. Ўғилой опа телбаларча
ўзини ҳар ён ташлар, сочларини
тўзғитиб, юзини юлар, қичқириб
йиғларди. Аксига олиб қишлоқда
биронта кўзга кўринадиган эркак
қолмаган эди.

Сел тобора сойнинг ғарб қирғоғи
томон шитоб
билан оқарди.
Сув Ўғилой
о п а н и н г
айвонига ҳам
етиб борди. Биз
билан айвон
оралиғидаги
масофа эллик
қ а д а м л а р
чамаси бўлиб,
ҳамма нарса
кафтдагидек

кўришиб турарди. Айвонга кираётган
сув дераза бўйи кўтарилганда Ўғилой
опа қаттиқ бир қичқирди ва ҳушидан
кетиб йиқилди.

Бундан бир ҳафта олдин ҳарбий
хизматдан қайтган Худоёрнинг шу ерда
пайдо бўлиши ҳаммамизни қувонтирди.
У гап нимадалигини тезда англаб, ҳеч
ўйлаб турмасдан ўзини селга ташлади.
У бўтана сув бағрида кўринмай кетди.
Ҳаммамизнинг юрагимиз орқага
тортиб: “Наҳотки, наҳотки сел уни
ҳам...” деб пичирлардик.

Бу пайтда айвон сувга тўлиб, бешик
сал ботиқда қалқиб турарди. Худоёр
баландликдан айланиб ўтиб сел
йўналиши бўйлаб айвонга
яқинлашмоқда эди. У чаққон бир
ҳаракат билан бешикка қўл чўзди. Сел
бешикка қўшиб уни ўз домига торта
бошлади. Уст-боши лой, юзи шилинган
Худоёр қандай бўлмасин бешикни
хавотирсиз жойга олиб чиқишга ул-
гирди. Ҳар қалай Худоёр бешикни
қирғоққа судраб чиқди. Шундагина
ўзимга келиб, энгил нафас олдим.

— Худога шукур, гўдак омон қолди,
— деди Ислом бобо ёш тирқираб кетган
кўзларини енгил билан артиб. — Мол
оқса битади, уй бузилса тикланади,
лекин одам... Гўдакнинг умри узоқ
бўлсин илоҳ! — дуо қилди бобо.

Эрталаб уйғонсам, қўшнимиз
томондан йиғи товуши келарди. Хайрон
бўлиб дадамга юзландим:

— Чақалоқ селдан омон қолган эди-
ку? — қандайдир совуқ хабарни
сезгандек вужудим жимирлаб кетди.

— Ҳа, чақалоқ соғ-саломат, — деди
бобом бошини ердан кўтармай. —
Лекин онаси Ўғилойнинг юраги ёмон
бўлиб қолган экан...

Кўз олдим жимирлаб; юрагим ду-
куллаб ура бошлади, сўнгра кечаги
манзара кўз ўнгимда жонланди: гоҳ
сувда оқётган қўй-қўзилар, гоҳ селда
тебраниб турган бешик, гоҳ юзини
тимдалаб йиғлаётган Ўғилой опа, гоҳ
бешикни судраб чиқаетган Худоёр...

Бош муҳаррир: **Ақром БЕРДИМУРОДОВ.**

Таҳрир ҳайъати:
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъул котиб/,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Тяжисе астувач:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИҒОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚҰМИТАСИ
Газета 1329 йил, 1 августдан
«ЛЕНИН УЎҚУНИ» номи билан
чиқиб боплаган.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Навб кўрсаткичи: 64563
Чоп этиш вақти — 18.00.

Газета ҳафтаининг чоршанба кунин чиққиди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги “ШАРҚ” нашриёт-матбаа концерни

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г — 339. 33349 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6